



# ОЛОТ НАУЮТИ

2021 йил  
18 ФЕВРАЛЬ  
ПАЙШАНБА

№ 3  
(4336)

E-mail:  
olothayoti3@umail.uz

Халқ депутатлари Олот туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси

## ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Олот тумани Кенгашининг йигирма саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Уни халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Н.Нематова бошқариб борди.



Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган халқ депутатлари Олот тумани Кенгашининг Ҳаракатлар дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу борада халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ч.Қувондиқова маъруза қилди.

Шундан сўнг туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Бу борада туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ж.Аллоқов маърузаси эшитилди.

Ҳар иккала масала юзасидан бўлган музокараларда республика Маънавият-маърифат маркази туман бўлими раҳбари Ф.Қурбонов, туман мактабгача таълим бўлими мудири Ҳ.Каримов, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Р.Хусаинов, депутатлардан А.Қаҳҳоров, Ш.Султонов, И.Хўжаевлар иштирок этдилар.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қирлишон маҳалласида «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди. Унда тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, нурунийлар ҳамда ёшлар иштирок этишди. Учрашув давомида туман раҳбари ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш тўғрисида фикр юритди. У ёшларга оид давлат сиёсатининг туб мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб, умумий ўрта таълим мактаблари ёшлар етакчиларининг фаолиятини янада ошириш, ўқувчи-ёшлар билан ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратди.

Шундан сўнг ёшлар ўзларининг саволлари, таклифлари ҳамда муаммолари билан туман раҳбарига мурожаат қилишди. Учрашув давомида ёшлар томонидан 27 та мурожаат тушди, уларнинг 15 тасига тушунтириш ва тавсиялар берилиб, жойида қаноатлантирилди. Муддат

## ҚИРЛИШОНДА «ҲОКИМ ВА ЁШЛАР» УЧРАШУВИ

талаб этилувчи мурожаатларни ўрганиб, ҳал этиш юзасидан туман ҳокими мутасаддиларга топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Туман раҳбарияти томонидан ёшларнинг барча савол ва таклифларига жавоб берилиб, амалий ишлар олиб бориш бўйича режалар тузилди. Очiq ва самимий руҳда ўтган учрашувда ёшларга тааллуқли барча долзарб масалалар кенг ва тўлақонли қамраб олинди. 20-умумтаълим мактабига узоқдан қатнаб ўқийдиган ўқувчи ёшларнинг икки нафарига эса туман ҳокими томонидан 2 дона велосипед совға қилинди.

(Ўз мухбиримиз).

### СЕНАТОР МИНБАРИ

## ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ— ЖАМИЯТНИНГ ИЛҒОР ҚАТЛАМИ

Кенг кўламли, жамият ҳаётини янада яхшилашни мақсад қилган ислохотлар—бугунги даврнинг асосий заруриятларидан бири. Аслида ислохот—мавжуд ҳолатни яхши томонга ўзгартириш, халқ турмушини янада фаровон этиш учун дадил қадамлар қўйиш демакдир. Ўз фидойилиги билан барчага ўрнак бўлаётган, юксак ватанпарварликни амалда намойиш этаётган мамлакат раҳбари биздан ҳам буни талаб қилишга ҳақли деб ўйлайман. Халқ тақдирига, унинг эртанги кунига бефарқ бўлмаган, жонкуяр инсонлар - депутатлар ва сенаторлар халқнинг давлат органларидаги вакиллари саналишади. Улар бу масъулиятни бошқалардан кўра теранроқ ҳис этишлари лозим, чунки, айнан ана шу фазилатлари учун ҳам халқ уларга ишонч билдирган.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайланганимдан бери аксарият вақтим халқ орасида ўтяпти. Асли тadbиркор бўлганим боис аҳолининг, айниқса, ўзим туғилиб ўсган юрт одамларининг турмуш тарзи, уларнинг ўй-фикрлари менга яхши таниш. Муҳтарам Президентимиз 2018 йилда пахтачилик кластерларини ташкил этиш борасида ташаббус билан чиққанларида, ростки, севиндим. Чунки, ўзбек пахтаси дунёда ўз мавқеига, кадр-қимматига эга, шу пайтга қадар эса биз мавжуд имкониятлардан етарлича фойдалана олмаётган эдик. Ёш, куч-ғайратим ва моддий шароитим етарлича бўлгани боис Бухоро вилояти Олот туманида тўқимачилик кластери ташкил этишга аҳд қилдим. «Парвоз Хумо Равнақ Транс» масъулияти чекланган жамияти шу тариха пайдо бўлди.

Ўтган давр ичида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди, уларнинг айримларини санаб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Бажарилган ишларни икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчиси—инвестиция дастурлари асосида, кредит ва МЧЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва иқтисодиёт ривожига ҳисса қўйиш мақсадида қурилаётган ҳамда қурилиши якунланган объектлар. Иккинчиси—ҳомийлик ва меҳр-саховат йўналишида амалга оширилган ишлар. Биринчи тоифага мансуб ишларнинг аксарияти муваффақиятли якун топмоқда.

Масалан, Олот туманидаги пахта тозалаш заводи реконструкция қилиниши натижасида тола олиш сифати яхшиланди, бино кўркам ва замонавий кўринишга эга бўлди. Бундан ташқари, 6 миллион АҚШ доллари (шундан 2,5 миллион доллари банк кредити, 3,5 миллион доллари корхонанинг ўз маблағи) миқдоридаги маблағга ёғ-мой заводи қурилиши бошланди, ҳозирда охириги синов ишлари давом этапти. Тез орада завод ишга тушади ва 150 та янги иш ўринлари барпо этилади. Олот тумани деҳқон бозори ҳудудида корхона маблағи ҳисобидан 5 миллиард сўмлик савдо мажмуаси қурилиб, 56 нафар тadbиркорга сотилди.

Давр ўзгариб боргани сари барча соҳа, жумладан аграр сектор ҳам ривожланиб бораверади. Янгиланиш, тараққиёт фермер

(Давоми 2-бетда).



## ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ: АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Бухоро вилояти Олот тумани Халқ қабулхонасига 2020 йилда 1 минг 870 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 1 минг 648 таси ҳудуддаги ташкилотларга, 220 таси юқори ташкилотларга ижро учун юборилган.

—Натижалар бўйича таҳлил қилинганда жами бўлиб 1603 та мурожаат қаноатлантирилган, — дейди Олот тумани Халқ қабулхонаси мудири Саъдулла Ўринов.— Мурожаатларнинг 723 таси ижобий ечим топди. Ҳуқуқий масла-

ҳат ва маълумот бериш орқали ҳал қилинганлар 810 тани ташкил этади. Ҳал этилиши кўшимча ҳужжат, муддат ва ўрганиш талаб қилган мурожаатлар 70 та бўлиб, тушунтириш берилган мурожаатлар 135 та, кўриб чиқилаётган мурожаатлар 124 тадир.

Мурожаатларнинг таснифи бўйича таҳлил қилганда кўпгина қисми иш билан таъминлаш, моддий ёрдам олиш, газ, электр, сув масалалари, уй-жойларини таъмирлаш, уй-жой, ер билан таъминлаш,

кредит олиш, йўл қурилиши, соғлиқни сақлаш, пенсия ва нафақа тайинлаш, алимент тўловлари ва бошқа масалаларни ташкил қилади.

—Эски Олот маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида мактабгача таълим муассасаси йўқлиги ва собиқ мактабгача таълим муассасасини таъмирлаб ишга туширишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилганим, — дейди фуқаро Раҳматилла Атоқов. — Муассаса 1989 йилда қурилган бўлиб, 150 ўринга мўлжалланган. Мурожаатим назоратга олинди. Фойдаланилмаётган мактабгача таълим ташкилоти биносини мукамал таъмирлаш масаласи 2020 йил Инвестиция Давлат дастурига киритилиб, 2,8 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бино замонавий реконструкция қилиниб, тўлиқ

таъмирланди.

Тумандаги Ғанчи Чандир маҳалла фуқаролар йиғинида 725 та хонадон мавжуд. 3 минг 480 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуддаги «Қорақўл-Янгибозор-Хўжа-давлат темир йўл бекати» автомобиль йўлида жойлашган кўприк ўта таъмирталаб аҳволга келиб қолганди. Маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси томонидан ушбу кўприкни таъмирлаб беришни (Давоми 2-бетда).

(Боши 1-бетда).

хўжаликларининг муаммоларини тезкор ҳал қилишни талаб этади. Шу мақсадда тумандаги иккита собиқ ММТПлар реконструкция қилиниб, 40 миллиард сўмлик 20 та юқори унумли ҳайдов техникаси, 30 та чопиқ тракторлари, 25та культиватор ҳамда соҳада зарур бўладиган бошқа ускуналар келтирилди. Натихада 100га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ хўжалигига сув тежовчи лойиҳаларни киритиш, соҳага хориж сармосини жалб этиш мақсадида Исроил давлатининг «Айк» фирмаси билан шартнома қилиниб, келтирилган технологиялар кўмағида 532 гектар пахта майдони томчилаб суғориш тизимига ўтказилди ҳамда 60 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Қолаверса, ҳозирги кунда тумандаги 500 гектар фойдали айланма (оборот) дан чиққан ерлар қайта ҳисобга киритилиб, боғ яратиш, ёғ-мой экинлари ва дон экиш учун тайёрланмоқда.

Корхона вилоятнинг Ғиждувон туманида 30 миллион АҚШ долларига тўқувбўёқ фабрикасини бунёд этди, бугун дастгоҳларни ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Жорий йилнинг март ойида фабрикаи ишга тушириб, 600 нафар ишсиз фуқароларни домий иш билан таъминлаш режалаштирилган. Ғиждувонда 40 миллион АҚШ доллар қийматига тенг ип-калава ишлаб чиқариш фабрикаси ҳам қурилиб, ишга туширилди ва 600 нафар янги иш ўринлари барпо этилди.

“Парвоз Хумо Равнақ Транс” томонидан ҳомийлик асосида амалга оширилаётган, туманда сув таъминоти яхшилаш, ирригация ва мелиорация соҳасини янгиллаш борасидаги барча ишларни бирма-бир санаб, ўйлаб-чиқариб, нокантарлик бўлади. Бироқ, уларнинг айримларини тилга олса бўлади: Олот тумани марказида ҳомийлик ҳисобидан 4 миллиард сўмлик Ёшлар маркази қурилди. Тумандаги Хосабўйи маҳалла фуқаролар йиғинидаги мактабгача таълим муассасасида ҳомийлик асосида 2 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. 2020 йилнинг 27 апрелида Олот туманида рўй берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш мақсадида эҳтиёжманд оилаларга 2 миллиард сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Пандемия даврида вилоятимизда коронавирус билан оғриганларни даволашда зарур бўладиган 100 дона кислород концентрати (шундан 25 донаси – Олот туманига) ҳомийлик ҳисобидан харид қилинди. Туман тиббиёт ходимларига 100 дона пульс акциметри, вилоят марказий шифохонасига замонавий жи-

ҳозланган бир дона тиббий каравот ҳам тақдим этилди.

Бу фикрлар ва рақамларни келтиришдан мақсад ҳар бир корхона ва ташкилот раҳбари, ҳар бир халқ вакили одамлар тақдирига бефарқ бўлмаслиги лозимлигини яна бир бор таъкидлашдир. Қарашлари муштарак, бир-бирига меҳру оқибатли бўлган инсонларгина яхлит миллат, халқ сифатида обрў топади. Президентимизнинг 2021 йилга бағишланган Олий Мажлисга Мурожаатномаси бу борада бизга ҳаракат дастури

қилиниши ҳам ана шу юксак орзулар рўёби сари ташланган дадил қадамлардан биридир.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, ўтган йилнинг 27 апрелида Бухоро вилоятининг бир неча туманларида кучли табиий офат рўй берди. Юртбошимиз эртасигаёқ Олотга етиб келдилар, кўшни туманлар раҳбарлари ва халқ вакилларини ҳам Олотга таклиф этиб, шошилиш йиғилиш ўтказдилар. Мамлакат раҳбарининг ғамхўрлиги, алоҳида эътибори ҳамда халқимиз жасорати тўғрисида туман қисқа фурсатларда бутунлай қайта қурилди. Бугун Олот кўзларини қувонтирадиган гушага айланди. Президентимизнинг яқингинада бўлиб ўтган иккинчи ташрифи эса туман аҳлини янада руҳлантирди. Бугун тумандаги бир неча қишлоқларда бунёдкорлик ишлари кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Яқинда Юртбошимизнинг Фарғонага қилган сафари ҳам бир қатор эзгу ишларга тамал тошини қўйди. Халқимиз, айниқса ёшларнинг тадбиркорликка, фермерликка қизиқишлари ортиб бораётганлиги ҳам келгусидаги бундан

да ойдинроқ кунлардан нишондайд кўринади. Мухтарам Президентимизнинг “Шу юртдаги ҳар бир ўғил-қизни ўз фарзандим деб биламан. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди келажаги учун қанчалик қайғурса, мен ҳам фарзандларим эртаси учун шундай қайғураман” деган сўзлари барчани тўлқинлантирганга шубҳа йўқ.

Мухтасар айтадиган бўлсам, биз янгиланаётган Ўзбекистонни, янги Ўзбекистонни барпо этишга бел боғладик. Аждодлар тажрибасини инкор этмаган ҳолда, миллий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга жаҳон тараққиётдан андоза олиб, Ўзбекистонни дунёнинг илғор давлатлари қаторига олиб чиқиш орзуси билан яшаёмиз. Орзу эса, табиийки, фидойи меҳнат тўғрисида бўлган бўлади. Ана шу йўлда биз, халқ вакиллари ҳамisha олдинги сафларда бўлишимиз лозим. Zero, халқ томонидан сайланган вакиллар-олис ва машаққатли сафарга чиққан карвоннинг барча қийинчиликларини теран англайдиган ва бу машаққатларни бартараф этиш йўллари тизкор илғаб, карвонни нурули манзилга бехатар элтишга ўз ҳиссасини қўша оладиган илғор қатлам сифатида шаклландагина, у ўз номи ҳамда юксак мақомини тўла оқлайди.

Нурмухаммад АЧИЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенати аъзоси.

## ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ- ЖАМИЯТНИНГ ИЛҒОР ҚАТЛАМИ

бўлмоғи керак деб ўйлайман. Ўзбекистонни кучли ва самарали бошқарув тизимига эга бўлган давлатга айлантириш, мамлакатнинг очиқ ва прагматик ташқи сифатини таъминлаш, қатор тоифа фуқароларга Ўзбекистон фуқаролигини бериш, судлар фаолиятини такомиллаштириш, жамиятда сўз эркинлигини барқарор этиш, аёлларнинг ўрни ва нуфузини ошириш, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа кўпгаб долзарб масалалар Президентимиз Мурожаатномасида ўз аксини топган. Мухими – кўтарилган ҳар бир масаланинг ечимини аниқ ва муқамал тарзда кўрсатиб берилган. Мамлакатимиз раҳбари экспорт қилувчиларнинг харажатларини қисман қоплаб беришга, ерларни сотувга чиқаришга, ягона тадбиркорлик кодексини яратишга, туризм соҳасига янги имтиёзлар беришга, озиқ-овқат маҳсулотлари нархини барқарор сақлаб қолдиришга, айниқса, алоҳида эътибор қаратгани халқимизни мамнун этди.

Бугун камбағалликни қисқартириш, оммавий спорт турларини тарғиб этиш, турли фанлар бўйича кўпгаб олимпиадалар ташкил этиш, педагоглари рағбатлантириш ишлари барчанинг диққат марказида турибди. Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишни давронинг ўзи талаб этмоқда. Чунки, ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш билан биз эртанги фаровон ҳаётимизни таъминлаган бўламиз. Мухтарам Президентимиз томонидан 2021 йилнинг Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб эълон

## ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ: АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

(Боши 1-бетда).

сўраб туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилинган. Мурожаат мутахассислар томонидан ўрганилиб, 2020 йилда кўприк Олот туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан тўлиқ таъмирланди. Янги кўприкнинг узунлиги 23 метр, эни 10 метр бўлиб, қуриш ишлари учун 550 миллион сўм маблағ сарфланган.

Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар асосида туман электр таъминоти корхонаси томонидан 2020 йилда 28,4 километр электр тармоқлари линиялари ҳамда 5 дона трансформаторлар янгиланган. 14 дона трансформатор пунктларида таръмирлаш ишлари олиб борилган. Туман секторлар раҳбарларининг ҳудудларда ёшлар билан учрашувлар графигига асосан 2020 йилда 64 та учрашувлар ташкил қилинган. Ўтказилган учрашувлар давомида 264 та масалада мурожаатлар келиб тушган. Шундан жойида ҳал қилинган масалалар сони 188 тани, кўриб чиқиши назоратга олинган масалалар сони 31 тани ва тушунтириш берилган масалалар сони 45 тани ташкил қилади.

Туман Халқ қабулхонаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 135 та ижтимоий ва бошқа объектларда ўрганишлар ўтказилган. Жами ўрганилган ижтимоий ва бошқа объектлардан 127 тасида 429 та муаммоли ҳолатлар аниқланган. Ушбу муаммоларнинг аксарияти бинолардаги иссиқлик тизимидаги қозонлар таъмирталаблиги, иссиқлик тизими қозонлари кўриқдан ўтказилмаганлиги, биноларнинг эшик ва дераза ромлари талабга жавоб бермаслиги, ёнғин ҳафвсизлиги қалқонида бирламчи ўт ўчириш воситалари етарли даражада эмаслиги каби муаммолар ҳисобланади. Ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган 429 та муаммоли масалалардан бугунги кунгача 192 таси масъуллар томонидан бартараф қилинди.

Тумандаги 1-сектор ҳудуди Қиртай маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 19-мактаб биносидаги иссиқлик тизими қозонлари таъмирталаб ҳолга келганлиги аниқланган эди. Ушбу мактабда иссиқлик тизимини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 50 миллион сўм маблағ ажратилиб, таъмирталаб қозонлар алмаштирилган ва иссиқлик тизими таъмирлаб берилган.

Зариф КОМИЛОВ, Тоҳир ИСМАТОВ (сурат), ЎЗА.



## ИБРАТЛИ ВА МАЗМУНЛИ УМР

Яқинда Ўзбекистон МФЙда яшовчи нуруний Пардақули Йўлчиевнинг хонадони файзга тўлди. У II даражали «Меҳнат фахрийси» кўрак нишони билан тақдирланди ҳамда яшайдиган хонадони дарвозасига бу ҳақдаги ёзувли белги тантанали равишда ўрнатилди.

Тантанали тадбирни туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими масъул ходими Нарзулло Неъматов очди ва тадбирнинг моҳияти ҳақида сўзлади. Йиғилганларнинг гулдурас қарсақлари остида ёзувли тахтача нишондор яшайдиган хонадон дарвозасига ўрнатилди.

Тантанали тадбирда П.Йўлчиевнинг биринчи муаллими Ёвон Ўразов, маҳалладоши Мурод Шомуродов, фахрий ўқитувчи Худойберди Қодиров, Ўзбекистон Ёзув-

чилар уюشمаси аъзоси Абдунаби Ҳамро, Қиртай МФЙ раиси Нурилло Олтиев, тадбиркор Қурбанбой Худоев, нурунийлар Ботир Бобоқулов, Расул Муқимов, Зокир Бобоқулов, 18-, 19-мактаб ўқувчилари сўзга чиқиб, нишондорни самимий ва қизғин қутладилар. Фахрий фаол санъаткорлар Қахрамон Бобоев, Биньямин Юнусовлар қуйлаган қўшиқлар барчага завқ бағишлади. Кўрсатилган хурмат-эътибор учун Парда-

рийлар ишлари бўйича ўринбосари бўлиб келмоқда. Ижод сирларини Ёшузоқ Юсупов, Ҳайдар Бозоровдек етуқ журналистлардан ўрганди, эл назарига тушди. Меҳнатлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 ва 20 йиллиги кўрак нишони, 2011 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланган. Жонқуяр ва фидойи инсон Пардақули Йўлчиев шаънига бир шеър айтгим келди.

Ёшлиқ ўтди, ўтган кунлар тарихда  
Таълим олди Бухоро шарифда,  
«Олот ҳаёти»да адабий ходим  
Келажакка қўйди ишончли одим.  
Халқи уни эъзозлади, сийлади  
Ёш мухбирни раҳбар қилиб сайлади,

Зиммасида масъулият сезади  
Эл ғамида чўлу-қирни кезади.  
Кексани қадрлаб, ёшга ёш бўлди  
Бахт канали қурилишда бош бўлди,  
Маҳалла танилди  
Ўзбекистонга  
У сазовор бўлди юксак нишонга.  
Мисли жўшқин қадим  
Жайхун наҳрисиз  
Кўнгли тоза, танти элнинг фахрисиз,  
Халқ бахтига сиздай инсон бор бўлсин  
Эл суйганга элнинг меҳри ёр бўлсин.

Жўра ҲАМРОЕВ,  
туман халқ таълими бўлими нурунийлар кенгаши раиси.

**СТАТИСТИКА**

**АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БАРЧАГА ДАХЛДОР**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш ва аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотларни ўрганиш мақсадида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланди.

Аҳолини рўйхатга олиш — бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири—аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлар олишининг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади. Халқаро статистикларнинг Санкт-Петербургдаги 1872 йилги конгресси биринчи мартаба давлатлар ҳар 10 йилда камида бир мартаба аҳолини рўйхатга олишни ўтказишни тавсия этган.

Аҳолини умумий рўйхатдан ўтказиш тадбири тарихига назар солсак, аҳоли сонини ҳисобга олишга бўлган эҳтиёж узоқ тарихга бориб тақалади. Тарихий манбаларга кўра, қадимги Хитой, Миср, Греция, Япония, Рим ва Эронда аҳоли ҳисобини юритиш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Лекин аҳолини ҳисобга олишининг мақсади ва услублари жуда содда кўринишда бўлиб, ҳозирги замонавий кўринишдан кескин фарқ қилган.

Тартибли кўринишдаги аҳолини умумий рўйхатдан ўтказиш 1790 йилда АҚШда ўтказилган, ундан сўн 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган.

Аҳолини рўйхатга олиш долзарблиги билан аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликлар кесимида, яъни вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча ва қишлоқлардаги аҳоли сони аниқланади.

Республикани иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда қуйидаги манзилли дастурлар тайёрланади:

- ижтимоий ҳимоя бўйича;
- соғлиқни сақлаш бўйича;
- инвестиция бўйича;
- маданият бўйича;
- туризм бўйича;
- мактабгача таълим ва мактаблар куриш бўйича;
- йўл курилиши ва инфратузилма бўйича;
- бошқа соҳалар бўйича.

Аҳолини рўйхатга олиш жон бошига ялпи ҳудудий ва ялпи ички маҳсулот ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришда, илмий изланишларда, миллий барқарор ривожланиш мақсадларида фойдаланилади. Халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини оширади. Барча даражадаги демографик ҳолатлар, яъни, аҳолининг ёши, жинси, миллиати, кам сонли

аҳолиси бор миллатлар, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлар аниқланади. Ҳозирги демографиянинг аниқ ҳисоби ва келажакдаги прогнози белгиланади. Республика, вилоят ва туман даражасидаги бюджетларни аниқ шакллантириш, туман, шаҳар, вилоят ва республикада уй-жойга бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини беради. Шунингдек, хорижий инвесторларни жалб қилиш, узоқ ва чегарадош ҳамда чегарадан ташқари ҳудудлар аҳоли маълумотларининг аниқ ҳисоби шаклланиши ва бошқа мақсадлар учун хизмат қилади.

Шу боис ушбу тадбирда ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

**Н. ЖУМАЕВ,**  
**туман статистика бўлими бошлиғи.**

**ПЕНСИЯ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

Пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида қуйидаги тартиб ўрнатилди. Унга мувофиқ 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсияларни тайинлашда шахсининг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр—2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахсининг меҳнат дафтаредаги маълумотлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади. Уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади. Ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотиغا эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади. Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади. Пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади. Фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилди.

Пенсияга чиқувчи фуқаролар архив идораларига мурожаат қилмасдан, тўғридан-тўғри давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилади ва марказ фуқарога пенсия тайинлаш масаласини кўриб чиқиш учун электрон тарзда пенсия жамғармасига юборади. Пенсия жамғармаси тегишли маълумотларни лозим бўлган тақдирда архив муассасасидан электрон шаклда сўровнома орқали олади ва фуқарога пенсия тайинлаш масаласини кўриб чиқади. Бундан кейин фуқаролар пенсияга чиқиш учун идорама-идора сарсон бўлиб юришларига ва пенсияга чиқишдаги коррупцион иллатларга барҳам берилади. Фуқароларга пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиблари фақат электрон кўринишда амалга оширилиб, фуқароларга катта енгилликлар ва шарт-шароитлар яратилади.

Архив маълумотларини тақдим этмасдан иш ҳақи миқдорлари қуйидаги тартибда аниқланади:

- 2005-2016 йиллар учун—Халқ банкининг «ИНПС» дастури орқали «Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий бадаллар тўғрисида»ги маълумотлардан;
- 2016-2019 йиллар учун—Солиқ қўмитасининг «Солиқ» дастури орқали Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадаллари ва фуқароларнинг иш ҳақларининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестридан;
- 2020 йил 1 январдан—Бандлик ва меҳнат вазирлиги «ЯММТ» дастури орқали «ЯММТ» дастурида мавжуд маълумотлардан келиб чиқиб, амалга оширилади.

**Р. ҲАМРОЕВ,**  
**туман давлат архиви директори.**



**«БИЗ КЕЛАЖАК УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ!»**

Мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширишда жамиятнинг турли қатламлари га мансуб фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарурати мавжуд. Бу вазифани атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида фаолият юритаётган миллий ва хорижий жамоатчилик ташкилотлари ва ҳаракатларининг ижобий таърибларини ўзлаштирган сиёсий куч—партия бажаришга қодир эканлиги дунё таърибасидан маълум. Халқ иродаси билан ташкил этилган Ўзбекистон Экологик партияси сиёсий ташкилот сифатида жамиятнинг ижтимоий ғуруҳларга ажратмаган ҳолда, мамлакатимиз фуқароларининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, уларнинг атроф

муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга, бирлаштиришга интилади.

Ўзбекистон Экологик партияси “Биз келajak учун жавобгармиз!” ғоясини ўзининг бош шiori деб ҳисоблайди. Бу борада жойларда кўплаб тадбирлар ўтказилди.

Яқинда Ўзбекистон Экологик партияси Бухоро вилоят ташкилоти раиси, халқ депутати Бухоро вилоят Кенгаши депутати А.Ниёзов, Олот туман ташкилоти раиси, халқ депутати туман Кенгаши депутати О. Атоқовлар иштирокида тумандаги 1-мактабда “Биз келajak учун жавобгармиз!” номли тарғибот тадбири ўтказилди. Тад-

бир давомида партия ходимлари маҳаллий экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда экологик ҳолатни барқарорлаштириш ишида жамоатчилик иштирокини кучайтириш лозимлигини таъкидлаб ўтишти. Шу куннинг ўзида депутатлар Маърифат МФИ-да ҳам бўлдилар ҳамда маҳалла аҳолисини қийнаётган муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгиларди.

**(Ўз мухбиримиз).**

**ҚУРИЛИШЛАРДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ**

Иссиқликни ишлаб чиқарувчи қурилмалар ва электр жиҳозларини ишлатиш, электр, газ пайвандлаш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилмаслик ёмон оқибатларга олиб келади. Айнан қурилиш ишларининг якунлашишида ёнғинларни келтириб чиқариш билан боғлиқ бўлган сабабларга қуйидагилар кираради:

- қаватлараро ёпмалар, тўсиқ ва зина катакларининг деворларидаги тешик ва очиқ жойлар ҳимояланмаганлиги;
- катта ёнғин юкласининг мавжудлиги (девор ва шифтларнинг ёнувчан безаги, оддий ва деворларга маҳкамланган мебель, жиҳозлар, ёнувчи упаковка қолдиқлари ва шу кабилар);
- ёнғинга қарши ҳимоя тизимлар—ички ёнғинга қарши водопроводнинг, спринклер ва дренчер мосламалари, газли ва кўпикли ёнғин ўчириш тизимлари, автоматик ёнғин сигнализацияси тизимларининг, қоидага мувофиқ, энди монтаж қилинаётганлиги.

Янги қурилишлардаги ёнғинларнинг содир бўлиш сабаблари ўрганиб чиқилгани

да, уларга ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг бузилиши сабаб бўлганлиги аниқланди. Бунинг устига, ҳар бир ёнғиннинг юз беришида ишчиларнинг устидан етарли назорат ўрнатмаган мутахассисларнинг ва қурилиш ишларини бошқарувчи раҳбар ходимларнинг ҳам бевосита айби бор.

Қуйида янги қурилишларда содир бўладиган ёнғинларнинг асосий сабаблари келтирилган:

- чекиш вақтида эҳтиёткорликка риоя қилмаслик;
- электр мосламаларидан фойдаланиш даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик;
- болаларнинг олов билан ўйнаши;
- газ-электр пайвандлаш ишларини олиб боришдаги этиборсизлик;
- очиқ олов билан ишлашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик;
- печлардан фойдаланишдаги камчиликлар;
- электр жиҳозларининг ҳимоя талабларига мос келмаслиги;
- ишлаб чиқариш хоналарида юз берган портлашлар.

моддий зарар миқдорини камайитириш мақсадида ташкилий ва амалий чора-тадбирларнинг бажарилишига эътибор қаратиш зарур:

- ёнғин хавфсизлиги йўналишида лойиҳа-технологик ҳужжатларнинг сифатини ошириш;
- қурувчиларни портлаш ва ёнувчан моддалар, материаллар билан хавфсиз ишлаш усулларига ўқитиш ишларини яхшилаш;
- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг ёнғиндан хавфсиз технологиясини ташкиллаштириш масалалари борасидаги барча ишловчиларнинг билимларини мукамаллаштириш;
- маъмурий жавобгарлик ва жамоатчилик орқали таъсир ўтказиш чораларини самарали қўллаш йўли билан ёнғинга қарши режимга риоя қилиш бўйича қурувчилар жавобгарлигини ошириш.

Ҳар ким ўз вазифасига масъулият билан ёндашса бу кабини ноҳус ҳолатларнинг олдини олинади.

**Ж. ФОЗИЛОВ,**  
**туман ФВБ НТБ бошлиғи,**  
**майор.**

## АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Сўнги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти мумтоз меросимиз, хусусан, мақом санъатига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада кўплаб қарор ва Фармонлар қабул қилди. Натижада миллий санъатни янада ривожлантириш, ўзига хос ижро мактабларини шакллантириш ҳамда «Устоз-шогирд» аънаналарини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Шу йил февраль ойи бошида Ромитан туманида ўтган «Бухоро гавҳари» вилоят мақом фестивалининг ҳудудий босқичи ҳам фикримиз далилидир.

Беллашувда Ромитан ва Олот тумани санъаткорлари ўзаро баҳслашдилар ва Олот



тумани маданият бўлими қошидаги «Наво» мақомчилар жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Миллий қадрият-

ларимизни асраб-авайлаб келаётган жамоани самимий қўлаймиз.

Э. ЖУМАЕВА.

## НАВОИЙНИ ЁД ЭТИБ...

31-иқтидорли болалар давлат умумтаълим мактаб-интернатига ҳазрат Навоийнинг таваллуд кунига атаб «Биз буюқлар авлодимиз» деб номланган бадиий кеча ташкил этилди. Тадбирни ташкил этишда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Динора Худойкулова фаоллик курсатди. Мактаб директори Ш.Султонов, директор

ўринбосари Ф.Барраев, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Л.Тўраева, М.Айтўғдиева, рус тили фани ўқитувчиси Н.Ҳакимовалар ўз сўзларида улуғ шоир ижодининг ўзига хос фазилатларига тўхталиб ўтдилар.

Ўқувчилар Навоий ижоди бўйича ўзбек, рус, инглиз, тожик ва корей тилларида маълумот бериб, Навоий ва

Лутфий, Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатлари акс эттирилган сахна кўринишларини намойиш қилдилар. Шунингдек, тадбирда «Хамса» асари таркибидаги достонлар борасида маълумот берилиб, улуғ мутафаккир қаламига мансуб рубоий, қитъа, фард, туюқ ва ҳикматли сўзлар ўқувчилар томонидан ёд айtilди.

А. ҲАМРОЕВ.

## БУЮҚ ШОИР ВОРИСЛАРИ

“Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” шиори остида туман касб-хунар мактаби ўқувчи ёшлари ҳамда Тошкент вилояти Фавқуллода вазиятлар вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ҳамкорлигида “Навоий ворислари” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбирда республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими бошлиғи Ф. Қурбонов ҳамда маънавият тарғиботчиси, туман халқ таълими бўлими нуронийлар кенгаши раиси, шоир Жўра Ҳамроевлар иштирок этдилар. Ф.Қурбонов ўқувчи ёшларга Алишер На-

воийнинг умр йўли ҳақида, мамлакатимизда шоир таваллудини кенг нишонлаш бўйича амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар тўғрисида сўзлаб берди. Шунингдек, Жўра Ҳамро Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, қолдирган бой маънавий мероси тўғрисида маълумот берди. Адибнинг рубоийлари, ғазалларини ифодали ўқиди, шоирнинг ҳақгўйлик, ростгўйлик, инсонпарварлик, садоқатлилик хислатлари тўғрисида ҳикоялар айтиб, тадбирга руҳ бағишлади.

Шоирнинг рубоий ҳамда ғазаллари асосида мушоира

ташкил қилинди. Ўқувчилар “Алишер Навоий ва Лутфий”, “Фарҳод ва шох ҳамда Сурхайл кампирнинг найранги”, “Навоий ва Гули” мавзусларида сахна кўринишларини намойиш этдилар.

Тадбирда ҳарбий қисм аскарлари ҳам шоир рубоийларини ифодали, ёддан ўқиб, “Алишер Навоий ва уста” ҳикоясини иштирокчиларга намойиш қилдилар.

Н. УМАРОВА,

туман касб-хунар мактабининг ёшлар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари.

## НАВОИЙ ҲАМИША БАРҲАЁТ

Сўз мулкининг султони, мумтоз адабиётимизнинг қўёши Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги кенг нишонланмоқда. Барчамизга маълумки, улуғ мутафаккир шоир жуда кўп ғазаллар, рубоий ва туюқлар битган. Шу билан бирга туркий тилда гўзал, ажойиб асарлар ёзиш мумкинлигини ўзининг беш достондан иборат «Хамса» асари мисолида исбот қилган.

Улуғ бобомиз бутун ҳаётини оддий халқнинг турмуш тарзини яхшилашга, уларнинг дарду ташвиши билан ёниб яшашга бағишлади. Мамлакатдаги ўзаро низоларни бартараф қилишга, юртни

обод ва гўзал масканга айлантиришга, мадрасаю мақбаралар қурдиришга ўз ҳиссасини қўшган. Алишер Навоий таваллудини нишонланаётган шундай қутлуғ кунларда тумандаги 26-мактабда ҳам «Назм гулшанидан гул териб...» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Адабий кечани мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Д.Нарзуллаева, Х.Тўраева, И.Бозоровалар ташкил қилишди. Тадбирда мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Д.Турсунова сўзга чиқиб, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди борасидаги фикрларини баён этди. Ўқувчи-

лар Иззат Султон ва Уйғуннинг «Алишер Навоий» драмасидан парча, улуғ мутафаккир асарларидан сахна кўринишларини намойиш қилишди. Шоирнинг ғазал, рубоий, туюқлари ўқувчилар томонидан ифодали ёд айтилиб, ғазаллари куйга солиб ижро этилди. Шу билан бирга синфлар ўртасида деворий газеталар, иншолар, расмлар, буклетлар танлови ўтказилди. Бу каби тадбирлар ўқувчиларни Алишер Навоий асарларидан маънавий озиқа ва ибрат олишга ундайди.

Замира ҲОТАМОВА, 26-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ва ёшлар етакчиларининг ташаббуси билан «Фидойи ёшлар» гуруҳи шакллантирилиб, унинг аъзолари тумандаги Қирлишон маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Маҳаллада уйма-уй юриб, уй эгаларининг кундалик юмушларига қарашиш, деворларни оқлаш, ариқ ва зовурларни тозалаш, дарахт-

## ТУМАН ЁШЛАРИ ҚИРЛИШОН МАҲАЛЛАСИДА

ларга шакл бериш, ҳовли ва экин ерларини ободонлаштириш каби ишлар ёшлар томонидан беминнат амалга оширилмоқда.

Ёшлар ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу беғараз ишлар маҳалла фаоллари ва хонадон эгаларининг кайфиятини кўтариб, уларни бунёдкорликка чорламоқда.

(Ўз мухбиримиз).

## ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ

## КАЛИФОРНИЯ ҚАЛҚОНДОРИ

Калифорния қалқондори мевали дарахтларга, резавор мева, буталарга ва манзарали ўсимликларга зарар етказди. Калифорния қалқондори жуда кўпайганда дарахт пўстлоғи ёрилиб кетади, шохларини ва ҳатто бутун дарахтларни қуриштириб қўяди, мевалардаги ширани сўриб, тўқ қизил доғ туширади. Бу ҳашарот мевали дарахтларнинг шохи, новдаси, барги, пўстлоғи ва мевасини зарарлайди. Натижада дарахтлар кам ҳосил беради, кучли зарарланганда қуриб қолиши мумкин.

Катта дарахтларда калифорния қалқондори дарахт пўстлоғида бўлади. Дарахт пўстлоғида узун ёриқларнинг пайдо бўлиши ушбу ҳашаротларнинг кўплигидан далolat беради.

Ш. ҚҮЛЛИЕВ,  
Хўжадават ўсимликлар карантини чегара маскани инспектори.

## КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Агар аёл бирдан жим бўлиб қолса, бундан кўрқиб керак: у ё бир балони бошламоқчи, ёки аллақачон ниманидир расво қилган.

\*\*\*

- Хотин, уйда спирт борми?
- Бор, нима қиласиз уни?
- Торларни артиб тозаласанми?
- Қанақа торларни?
- Кўнгил торини.

\*\*\*

Пошнаси баланд туфли-мўъжиза. Кийганда гўзал аёлга, ечганда эса бахтли аёлга айланасиз.

\*\*\*

- Ойижон, ҳар бир боланинг ўз отаси бўлиши керак, деган гап ростми?
- Албатта.
- Унда нега биз учта ака-укамиз, лекин, отамиз битта?

Олот туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфини 1991 йилда тугатган Ҳотамов Ёшузоқ Сайфиевич номига берилган № 021184 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

### МЕРОС ИШИ ОЧИЛДИ

2019 йил 19 декабрда вафот этган Ситдиқов Нигмат Шафиқовичнинг мулкига мерос иши очилганлиги сабабли марҳумнинг меросхўрлари 1 (бир) ой муддат ичида Олот туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муродова Ойдина Садуллаевнага мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаат учун телефон: (65) 34-21-960.

### МЕРОС ИШИ ОЧИЛДИ

2018 йил 18 мартда вафот этган Раҳматов Шукурнинг мулкига мерос иши очилганлиги сабабли марҳумнинг меросхўрлари 1 (бир) ой муддат ичида Олот туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муродова Ойдина Садуллаевнага мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаат учун телефон: (65) 34-21-960.

### МЕРОС ИШИ ОЧИЛДИ

2020 йил 1 октябрда вафот этган Амонов Ибрагим Пармоновичнинг мулкига мерос иши очилганлиги сабабли марҳумнинг меросхўрлари 1 (бир) ой муддат ичида Олот туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муродова Ойдина Садуллаевнага мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаат учун телефон: (65) 34-21-960.

## «ОЛОТ НАҲОТИ»

Муассислар:

халқ депутатлари Олот туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Мухаррир:

Ҳайдар БОЗОРОВ

## МАНЗИЛИМИЗ:

Олот шаҳри, Олот кўчаси, 73-уй. Тел: 34-21-072.

Газета Бухоро вилояти матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси томонидан 2011 йил 30 декабрда 05-052 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 3024.

Газета офсет усулида А-3 форматда босилди. Ҳажми 1 босма табақ.

## НУСХАСИ 502

Газета «Олот ҳаёти» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газета ҳафтада бир марта чиқади.

Бунюртма

Газета Бухоро шаҳар

Иброҳим Мўминов кўчаси, 27-уй.

«Бухоро вилоят босмаҳонаси» МЧЖда чоп этилди.

Тел: (065) 223-25-38.

ISSN 2181-5593